

УДК: 581.6: 631.5: 633.88.

**МАВРАК (*SALVIA OFFICINALIS L.*) ЎСИМЛИГИ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА
ҲАР ХИЛ СУГОРИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ (ЧДНС) ТАЪСИРИ**

Улугова Сафаргул Файзуллаевна

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти,
safargul.ulugova.78

Рузметов Умид Исмаилович,

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти,
umid.ruzmetov@mail.ru

Мардонов Фозил Мардон ўғли

Тошкент давлат аграр университети
m.fozilbek@bk.ru

КИРИШ. Ҳозирги кунда ҳалқ табобати ва замонавий тиббиётда доривор ўсимликлар кенг қўлланилмоқда. Аҳолини дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлаш, дунё давлатларида табиий дори маҳсулотларига бўлган талабнинг ниҳоятда ортиб бориши доривор ва зиравор ўсимликларга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Сўнгги йиллари дунёда доривор маврак ўсимлигининг барги хом ашёсини тайёрловчи етакчи мамлакатлар тупроқ шароитида, уруғидан экиш меъёри, етиштириш агротехнологияларининг илғор усувларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобига барг ҳосилдорлигини ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Доривор мавракнинг барг ҳосилдорлигини ошириш учун зарур минерал ўғитларни қўллаш натижасида мавракни ривожланишини жадаллаштириш, етиштириш ва кўпайтириш, дори тайёрлашга бўлган талабни қондириш борасида илмий-тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Доривор ўсимликларни касалликларни даволаш мақсадида қўллаш учун одатда улардан кўпинча дамлама, кайнатма, настойка, экстракт ёки бошқа препаратлар тайёрланади. Уларнинг аксариятидан сув, турли даражадаги спирт ва бошқа эритувчилар ёрдамида шифобахш маҳсулотлари ажратиб олинади. Натижада биологик актив моддалар йиғиндисидан иборат дори вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тўғрисида”ги [1], 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон “Доривор ўсимликларни маданий

ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида"ги [2] қарорлари ва мазкур соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу мақола тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

С.И. Исхаковнинг [3] таъкидлашича, дунё миқиёсида фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 50% доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланмоқда. Айниқса, юрак-қон томир касалликларини даволашда ва профилактикаси учун фойдаланиладиган доривор препаратларнинг 77% жигар ва ошқозон-ичак касалликлари профилактикаси ва даволашда фойдаланиладиган доривор препаратларнинг 74%, балғам кўчирувчи дориларнинг 73%, қон тўхтатувчи дориларнинг 60% доривор ўсимликлар хом ашёси асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Н.И. Мазневнинг [4] маълумотларида, маврак ўсимлигини баргида эфир мойи бўлиб, барги ошқозон-ичак трактининг фаоллигини оширади, ўсимлик барглари истеъмол қилганда терлатувчи, илдизлари оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши восита сифатида ишлатилади. Ўткир ва сурункали тонзиллит, ўткир нафас йўллари касалликлари, стоматит, гингивит учун қўлланилади; экзема, нейродерматит, музлаш; артикуляр ревматизм, радикулит, остеохондроз, гастрит, ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак ярасига ишлатилади.

М. Набиев [5] маълумотида, Ўзбекистон ҳудудида мармаракнинг бир қатор турлари ўсади ва уларнинг барчаси шифобахш ҳисобланиб, ҳалқ табобатида кенг қўлланилади. Мармарак Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида, буталар орасида, далалар, воҳалар ва қирларда, тошлоқ ерларда ўсиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Доривор хомашё сифатида барглари, тўпгули териб олинади. Ҳалқ табобати амалиётида мармаракнинг гуллари ва баргларидан тайёрланган дамлама: бронхитлар, пиелит, цистит, гепатит, энтерит, гастроэнтерит, меъда ичак яраси касалликларини даволашда ишлатилади.

Ю. Нуралиевнинг [6] таъкидлашича, доривор мавракнинг дунё бўйича 700 тури учрайди. Тоҷикистон шароитида доривор мавракнинг 14 тури ўсади. Шундан тиббиёт амалиётида 2 тури қўлланилади: доривор (*Salvia officinalis* L.) ва мускатний (*Salvia sclarea* L.). Маврак ўсимлигининг бўйи 20–140 см, кўп йиллик чалабута ҳисобланади. Баргининг сатҳи бир текис майдада бўлиб, гуллари мовий-бинафша, хушбўй, гуллаш даври июнь-июль ойларига тўғри келади.

Уруғининг ранги жигарранг бўлиб, июл–август ойларида пишиб етилиши тўғрисида маълумотлар келтирилиб ўтилган.

Тадқиқот обьекти ва услубияти. Тадқиқот обьекти сифатида доривор маврак ўсимлиги олинди. Тадқиқотлар давомида доривор маврак ўсимлигига чегара дала нам сиғими (ЧДНС)нинг турли меъёрлари ва нисбатарининг таъсири ўрганилди. Тадқиқотларда лаборатория ва дала тажрибалари, фенологик, морфологик, биометрик, экологик ва статистик услублардан фойдаланилди. Биометрик ўлчов ва таҳлиллар умумқабул қилинган услублар (Борисова, Бейдеман [7], Пономарев, Зайцев [8], Ярош, Терехин ва б.) ҳамда Давлат стандартлари бўйича амалга оширилди. Дала тажрибалари Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги тажриба майдонида (2020-2021 йй.) ўтказилди. Тажриба майдонининг тупроқлари оч тусли бўз тупроқлар бўлиб, ҳайдалма қатламишинг гумус миқдори 0,80%, азот миқдори 0,085%, фосфор 0,125%, калий миқдори 0,490%ни ташкил қилди [9].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Сирдарё вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида (ЧДНС)нинг таъсири тадқиқотлар давомида таҳлил этилди (2020-2021 йй.). Бунда, кўчатларни бўйига ўсиши ва илдиз ривожланиши ва поя диаметри бўйича ўлчаш ишлари олиб борилди. Битта намуна туп ўсимликнинг ривожланиш хусусиятлари ўрганилиб, барг, поя, илдиз ва бутун ўсимликнинг қуруқ массасига таъсири аниқланди.

Олинган барча маълумотлар вариацион статистик усуllibар билан амалга оширилди. Шунингдек, тажриба вариантлари ўртасидаги фарқ кўчатлар ва кўчатларнинг ўртача баландлиги ҳисобга олинди.

Маврак ўсимлиги ривожланишида битта намуна туп ўсимлик учун назорат (40–50%), 50–60%, 60–70% ва 70–80 фоиз намлиқда ушлаб турилганда қийидагича бўлди: назорат вариантда барг сони 140–2120 дона; шохланиш сони 5–18 дона; илдиз узунлиги 136–218 см, ўртача бир дона барг сатҳи 6,4–7,6 см² га teng бўлди.

1-жадвал

Маврак ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига ҳар хил суғориш меъёрларининг (ЧДНС) таъсири (Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги, 2020–2021 йй.)

Вариантлар	Битта намуна ўсимлик учун*			
	барг сони, дона	шохланиш сони, дона	илдиз узунлиги, см	ўртача бир дона барг сатҳи, см ²

2020 йил				
Назорат (40–50%)	140	5	136	6,4
50–60%	163	6	152	7,5
60–70%	185	7	170	8,4
70–80%	220	8	196	9,3
2021 йил				
Назорат (40–50%)	2120	18	218	7,6
50–60%	2531	22	234	9,0
60–70%	2844	26	297	10,5
70–80%	3120	30	334	12,3

Изоҳ: *10 та намуна ўсимлиқдан ўртачаси битта ўсимлик учун хисобланган

Оч тусли бўз тупроқлар шароитида ЧДНС га нисбатан энг мақбул кўрсаткичлар тўртинчи вариантда (70–80%)да барг сони 220–3120 дона, шохланиш сони 8–30 дона, илдиз узунлиги 196–334 см, ўртacha бир дона барг сатҳи эса 9,3–12,3 см²га teng бўлди.



1-расм. Маврак кўчатининг (ЧДНС) учун 0–15; 15–30; 30–45 см тупроқ қатламларидан варианtlар бўйича намуна олиш

Бу эса назоратга нисбатан барг сони 157–147%; шохланиш сони 160–166%; илдиз узунлиги 144–153%; барг сатҳи 145–161% га юқори бўлғанлиги аниқланди (1-жадвал, 1-расм).

Хуносалар. Сирдарё вилояти шароитининг “Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги” тажриба майдонининг оч тусли бўз тупроқларда маврак ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига ҳар хил суғориш меъёрларининг (ЧДНС) таъсири мақбул меъёри 70–80% хисобланди. Бунда назоратга нисбатан барвлар сонини 147%; шохланиш сони 166%; илдиз узунлиги 153%; ўртacha бир дона барг сатҳи 161% га ижобий натижалар олинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябр “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4901-сонли қарори. –Тошкент, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-251-сонли қарори. –Тошкент, 2022.
3. Исхаков С.И. “Канон” Ибн Сино–настольная книга врачей средневековья и современности //Авиценновские чтения Душанбе, 1977. – С. 28–31.
4. Мазнев Н. И. 300 лучших растений–целителей. М.: АСТ Астрель, 2014. – С. 441.
5. Набиев М. Чотқол неъмати. –Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2004. – Б. 64–67.
6. Нуралиев Ю. “Лекарственные растения”. Душанбе, 1989. – С. 170–171.
7. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. – Новосибирск: Наука, 1974. – С. 154.
8. Зайцев Г. Н. Фенология травянистых многолетников. М.: Наука, 1978. – С. 149.
9. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти. ҚҲ-А-ҚҲ-2018-109 илмий лойиҳасининг оралиқ ҳисоботи.“Asteraceae оиласига мансуб истиқболли доривор ўсимликларни турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш”. –Тошкент, 2018 йил.